

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакурган
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (86-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2016 у.г. «8» июл

№ 482/К

Каттақо'рг'он ш. – г. Каттакурган

“Каттақўрғон шаҳар Беклар кўчасида савдо дўкони қуришга рухсат бериш хақида”

Каттақўрғон шаҳар ҳокими номига Бухоро кўчаси 76 уйда яшовчи фуқаро Ғаниев Улиғбек Хайруллаевичнинг ёзган аризасини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 285-сонли қарорига асосан ташкил этилган танлов савдолари юзасидан Самарқанд вилояти ҳокимлиги танлов комиссиясининг № 1-сон баённомасини (№ 03/3-352 18.06.2016 й.) инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик ва Ер кодексларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги “Танлов савдолари ўтказиш комиссияси”нинг 2016 йил 18 июндаги № 1-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Каттақўрғон шаҳар Бухоро кўчаси 76 уйда яшовчи фуқаро Ғаниев Улиғбек Хайруллаевичга Беклар кўчасида бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида савдо дўкони мажмуаси қуриш учун 150 кв.метр ер майдони ажратилсин.
3. Шаҳар ҳокимлиги (Ж.Нигматуллаев) ва шаҳар бош архитектори (О.Розиков)га, танлов ғолиби Ғаниев Улиғбек Хайруллаевич томонидан олиб бориладиган қурилиш ишларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда танлов таклифига белгиланган муддатларда қурилиш ишлари олиб борилмаган тақдирда, танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида тузилган шартномани бекор қилиш бўйича таклиф киритиш вазифаси топширилсин.
4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими (О.Розиков) ҳамда Каттақўрғон шаҳар “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр” давлат корхонаси (У.Туропов) зиммаларига юклатилсин.
5. Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (М.Жураев) га танлов ғолиби Ғаниев Улиғбек Хайруллаевичга савдо дўкони қурилиши учун ажратилаётган 150 кв.метр ер майдонига нисбатан ҳаракатдаги қонушлар асосида солиқлар миқдорини белгилаш ҳамда ундирилишини назорат қилиш топширилсин.